

## Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМА

“10” 01 2022 йил

№ 16817-МХ-сон

Тошкент шаҳри

Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори Қ.А.Шарипов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

#### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши қуринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### 2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “**Қўриқлаш**” эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими шахсий таркиби орқали 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси ва 2 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 га қадар, дам олиш кунларисиз) ҳарбийлаштирилган соқчи постлари билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 49-уй манзилида жойлашган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи**га топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектнинг техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектнинг ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектнинг қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 3 иш кунини ичида саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 3 иш кунини ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

#### 3-боб. Туловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қуриқлаш хизмати ҳисоб варақасига асосан (шартнома 1-илова ) тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи** миқдорида тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади.

12. Хужалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қуриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;  
хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қуриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

##### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил "05" 01 даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қуриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қуриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қуриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин учирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 10 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қуриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қуриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қуриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қуриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисmini бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қуриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қуриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 5 кун олдин огоҳлантириш;



объектда иш куни якунида қуриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик баргараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қуриқлашга топшириш. Объектни қуриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қуриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қуриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қуриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қуриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қуриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қуриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки кадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қуриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қуриқлашга топшириш, қуриқлаш тугагандан сўнг қуриқлашдан чиқариш;

қуриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар курсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қуриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошқор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сураш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида курсатилган қуриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қуриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қуриқлашга топширилган моддий қимматликларни қуриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қуриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки кадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган таширф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қуриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қуриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қуриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини

чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қуриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қуриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қуриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қуриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қуриқлаш сигнализациясини текшириш қуригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қуриш учун бериш;

қуриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида қуриқлаш бўлими навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, қуриқлаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар



конун ҳужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суд томонидан куриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида курсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Яқуний қондалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сунг кучга қиради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 3 (уч) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасига, иккинчи нусхаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасига ва учинчи нусхаси буюртмачига берилади. ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи бунга рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида курсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида объектларни қуриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишда маълум қилади. *(эслатма: Банк муассасаси бекор қилиш бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади).*

35. Тарафлар ўзлари тузган ҳужалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

#### “ИЖРОЧИ”

Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси  
Тошкент шаҳар, Марказ-4, Қашқар кучаси, 3-уй  
Ҳ/р: 21 596 000 300 447 995 001  
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856  
ОКОНХ: 97920  
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ҲҚМ Тошкент шаҳар  
Тел: 71-234-49-24

#### “БУЮРТМАЧИ”



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси  
бошлиғи



Қ.А.Шодибеков

Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университети ректори



К.А.Шарипов

Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси  
Чилонзор тумани қуриқлаш бўлими бошлиғи



А.Б.Кулдасов



**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**


Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи



К.А.Шодибеков

**"РОЗИМАН"**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети  
ректори



К.А.Шарипов

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими шахсий таркибини 2022 йил 10 январь кундан бошлаб моддий таъминлаш тўғрисида тузилган.

**ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ**

Қўриқлаш ойлари	пост сони	қўриқлаш вақти соат	бир ойлик қўриқлаш вақти соат	қўриқлаш пост/соат нархи	Жами	
Январь	1	24	528	58304	30784512	64842624
	2	24	528	32252	34058112	
Февраль	1	24	672	58304	39180288	82526976
	2	24	672	32252	43346688	
Март	1	24	744	58304	43378176	91369152
	2	24	744	32252	47990976	
Жами						238738752

**ЖАМИ:**

**238738752**

**Икки юз ўттиз саккиз миллион етти юз ўттиз саккиз минг етти юз эллик икки сўм.**

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
МИБ бошлиғи

Н.Н.Рўзибоев

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
Чилонзор тумани қўриқлаш бўлими  
бошлиғи

А.Б.Кулдасов

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси  
бошлиғи подполковник



**Қ.А.Шодибеков**

2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университети ректори



**Қ.А.Шарипов**

2022 йил

**Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 49-уй манзилида жойлашган  
Тошкент Давлат иқтисодиёт уннверситетини техник мустахкамлигини ўрганиш**

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

“05” 01 2022 йил

Тошкент шаҳар

Биз қуйидаги имзо чекувчилар, Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси ҲС ва ҚБОҚТБ бошлиғи майор А.И.Исмоилов, Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси АК ва ХТЖҚ катта мутахассиси катта лейтенант У.У.Исмаилов, Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қуриқлаш бўлими бошлиғи подполковник А.Б.Кулдасов, Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қуриқлаш бўлими бошлиғи уринбосари подполковник А.А.Зияев, Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармаси Чилонзор тумани қуриқлаш бўлими ХТЭГ кичик инспектори сержант Ф.И.Дусмухамедов ва иккинчи томондан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ишларни бошқариш бўлими бошлиғи Ф.Махмитов ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор М.Юлдашевлар билан биргаликда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети раҳбариятининг Тошкент шаҳар Қуриқлаш бошқармасига 2021 йил 30 декабрь куни мурожаат этган №01-05/6-6823-сонли хатини ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг техник мустахкамлигини текшириб қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И Қ:**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 49-уй манзилида жойлашган. Объект олд томонидан И.Каримов кўчаси ва пиёдалар йулакчаси ўтган, ўнг томонида Афросиёб кўчаси ва Ўз.Рес.Давлат божхона қўмитаси, чап томонида М.Гафуров кўчаси ва шаҳар хокимияти, орқа томонида “Хумо” аренаси спорт мажмуаси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги лицей жойлашган. Объект ер майдони 10,4 гектарни ташкил этиб, ҳудуди атрофи 2 метрлик темир панжара ва 3 метрлик бетон девор билан ўралган. Худудга кириш-чиқиш жойи 3 та бўлиб, И.Каримов, Афросиёб ва М.Гафуров кўчаси томонидан амалга оширилади. Шунингдек қўшимча фавкулотда вазиятларда фойдаланиш учун 3та захира кириш-чиқиш жойлари мавжуд. Худудда жами 12 та бинолар мавжуд бўлиб, 14, 4 ва 3 қаватлик бинолардан иборат. Бинолар темирбетон, пишган гишт ва шлакоблокдан қурилган. Бинонинг кириш-чиқиш эшиклари ва деразалари алюмин профилдан. Худуддаги 12 бинолар булар ўқув корпуслари, ётоқхоналар, ошхона ва маъмурият бинолари. Хар бир бино ҚЁОС воситалари билан жихозланган бўлиб, хар бир бинодаги концентраторга жамланган. Иншоотда вазиятни назорат қилиш учун 400дан ортиқ IP русумли видеокузатувкамералари жихозланган бўлиб, хотираси 1 ойлик қилиб ўрнатилган. Фавкулотда вазиятларда фойдаланиш учун “ташвиш” тугмаси ўрнатилган (пульт рақами 504506). Иншоот назорат ўтиш жойларига шаҳар телефони, видеокамералар жамланган



монитор, ҚЕОС воситалари жамланган концентратор ва қўлда олиб юривчи радиоалоқа воситалари мавжуд. Дам олиш хоналари (келгусида постдаги ходимларга) мавжуд. Хизмат хоналарига иситгич ва совутгичлар ўрнатилган. Назорат утиш жойлари телефонлари 71-239-28-65, 71-245-42-61, 71-239-28-25.


Тошкент Давлат иқтисодиёт университети рахбариятининг Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасига 2021 йил 30 декабрь куни мурожаат этган №01-05/6-6823-сонли хатида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 49-уй манзилида жойлашган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини хавфсизлигини таъминлаш учун 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси ва 2 та 24 соатлик харбийлаштирилган соқчи постларини ташкил этишда амалий ёрдам суралган.


**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, пул моддий бойликларни дахлсизлигини таъминлаш ва талон-тарож қилинишини олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:**


1. Бино хоналаридаги электр ускуналарини иш тугагандан сўнг ўчирилганлигини назоратга олиш;
2. Ўрнатилган видеокузатув камераларини ишчи ҳолати доим соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;
3. Ўрнатилган “ташвиш” тугмасини ишчи ҳолатини доимий текшириш.


Мазкур далолатнома қўриқлаш шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, 3 (уч) нусхада тузилади, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш Бош Бошқармасида, иккинчи нусхаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасида ва учинчи нусхаси Хўжалик идорасида сақланади.


Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси вакиллари      Хўжалик идораси вакиллари:


  
\_\_\_\_\_ А.И.Исmoilов


  
\_\_\_\_\_ Ф.Махмитов

  
\_\_\_\_\_ У.У.Исमतов

  
\_\_\_\_\_ М.Юлдашев

  
\_\_\_\_\_ А.Б.Кулдасов

  
\_\_\_\_\_ А.А.Зияев

  
\_\_\_\_\_ Ф.И.Дусмухамедов